

Ўзбекистон дунёда деҳқончиликнинг энг қадимий маконларидан бири бўлиб, кўп мева ва узум маданий навларининг шаклланиш маркази ҳисобланади. Бу ерда боғдорчилик ва тоқчилик ҳар доим қишлоқ хўжалигининг анъанавий соҳаси бўлиб келган.

Республикамизнинг тупроқ иқлим шароитлари ҳар хил бўлиши Бухоро ва Хоразм воҳаларида, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бир неча асрлар давомида ҳалқ селекционерлари томонидан маҳаллий шароитларга мослашган, қурғоқчиликка, тупроқ шўрига, иссиққа, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли ва бошқа муҳим хусусиятларга эга бўлган навлар яратилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида Bioversity International /ЮНЕП-ГЕФ “Марказий Осиёда агробιοхилмаҳилликнинг (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари) *in situ/on farm* шароитида сақлаш ва ундан фойдаланиш” лойиҳаси бўйича ўтказилган кузатишлар маҳаллий мева экин навларнинг шаклланиш ва улар мажмуасининг янгилиниш жараёни ҳозиргача давом этаётганлигини кўрсатди.

Мева экин маҳаллий навлари деҳқонларнинг авлодидан авлодига ўтиб, томорқаларда, фермер хўжаликларида сақланмоқда ва етиштирилмоқда ва барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таъминлашда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисини дармондори ва микроэлементлар билан таъминлашда мева экинлари маҳаллий навлари асосий манба ҳисобланади. Шу сабабдан томорқаларда маҳаллий навлардан ҳеч бўлмаса 1-2 дарахт ўстириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса инсон организмни эрта баҳорда озиқ элементлари билан таъминлашда уларнинг роли бекиёсдир. Чунки қиш фаслида таркибида дармондори ва микроэлементлари етарли бўлмаган озиқ овқат истеъмол қилиш натижасида инсон организмнинг озиқ моддаларга қўшимча эҳтиёжи юқори бўлади.

Маҳаллий навларнинг аҳамияти ва муҳим ўрин тутишига қарамадан, кейинги йилларда уларнинг йўқолиши кузатилмоқда, ёввойи аجدодлари ареалининг қисқариши эса қатта ташвиш туғдирмоқда.

Аждодларимиздан мерос бўлиб келган, муҳим генетик фонд ҳисобланган мева экин маҳаллий навларини ва ёввойи ҳолда ўсувчи ёнғоқ мевали турларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича фермерларни қўллаш бутун республика учун долзарб ҳисобланади. Маҳаллий навларни ўзлари ривожланган ва шакланган ҳудудларда, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларида сақлаш мақсадга мувофиқ эканлиги фан ва амалиёт томонидан исбот қилинган. Бу нафақат муҳим генотипни самарали сақлаш, балки ундан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Фермерларни ўқитишни ташкил этиш, уларнинг мева экинлари хилма –хиллиги тўғрисида билимларини кенгайтириш муҳим бўлиб уларга ўз боғларида бу экинлар нав мажмуасини бойитишга шароит яратади.

Шу мақсадда юқорида қайд этилган лойиҳа доирасида Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоқистон республикасида 22 та кўргазмали боғ ташкил этилиб, шулардан 19 таси фермер хўжаликлари боғларида ва 3 таси ёввойи ҳолда ўсувчи дарахтзорларда барпо этилган.

Бу кўргазмали боғларда азалдан Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳаллий навлар намойиш этилади ва қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

- фермерлар учун мева экин ва узумнинг маҳаллий навларини етиштириш бўйича семинарлар ва ўқув машғулотларини ўтказиш;
- маҳаллий навлар ва уларнинг фарқ қилувчи морфологик белгилари билан танишиш;
- фермерларни мева экинлари маҳаллий навларининг энг муҳим хўжалик тавсифлари билан таништириш (хосилдорлиги, мева сифати, мевасининг қайта ишлашга ва сақлашга яроқлиги ва ҳокозалар);
- навларнинг афзалликлари, камчиликлари, фойдаланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичлари бўйича қиёсий тавсифини намойиш этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат нав синаш комиссиясига топшириш учун маҳаллий истикболли навларни муҳим хўжалик белгилари бўйича ажратиш.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

**“Марказий Осиёда *in situ/on farm* шароитида агробιοхилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари)”** (Ўзбекистон компоненти)

Bioversity International UNEP-GEF

лоийҳасини амалга ошириш Миллий бўлими.

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг генетика ва ўсимликларнинг экспериментал биологияси институти.

Манзил: 111226 Тошкент вилояти,

Қибрай тумани, Юқори-Юз маҳалласи

Тел./Факс: (+99871) 2647801

Эл.почта: [abd\\_uzbek@mail.ru](mailto:abd_uzbek@mail.ru)

Расмларда: Тездаги – Шодиев А.нинг узум маҳаллий навлари кўргазма боғи. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент к. Пастдаги – Қурбонов Ж.нинг анор маҳаллий навлари кўргазмали боғи. Сурхондарё тумани, Сарийосиё тумани, Дашнобод к.



**Bioversity International/UNEP-GEF кўмагидаги  
“Марказий Осиёда агробιοхилмаҳилликни (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари) *in situ/on farm* шароитида сақлаш ва ундан фойдаланиш” минтақавий лойиҳаси**

**АСОСИЙ МЕВА ЭКИНЛАРИ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАЛИ БОҒЛАРИ**



ТОШКЕНТ 2010

**Демонстрационные сады местных сортов приоритетных культур, созданные в фермерских хозяйствах Республики Узбекистан**

№	Фермернинг иси ва фамилияси	Вилоят	Туман	Қишлоқ	Ўстирилаётган нав	Маҳаллий навлар ва шаклларнинг номи	Телефон рақамлари
1	Сатликов Курбонбай	Қорақалпоғистон	Тўртқўл	Шўрахан	Олма	Қанд олма, Шойи олма, Карвак олма, Қизил олма, Қишки олма, Ёзги олма.	+998936149284
					Ўрик	Майский, Нукул, Кузги ўрик, Эртаги оқ ўрик, Кишмиш ўрик.	
2	Остонов Мехмонкул	Бухоро	Бухоро	Хазрат бобо	Ўрик	Бодомак, Пах-пах, Ялтирок, Майский, Оқ пишар, Лолача, Шафтолисимон, Чилдона, Юпка пўчоқ, Кандак, Кандак майда, Курсадик.	+998651906321
					Узум	Шивиргони, Қора жанжал, Оқ кишмиш, Сохиби, Хусайни, Оқ халили, Қора халили, Шақарак.	
3	Зайнитдинов Наби	Бухоро	Вобкент	Тошариқ	Ўрик	Ялтирок, Лолача, Ирис, Ялтирок кечки, Бодом ўрик, Шафтоли ўрик, Субхони.	+998905147919
					Узум	Тойфи, Бишти, Туркмани, Оқ хусайни, Джаус.	
					Анор	Новати, Каладони, Қизил анор, Қишки Қизил анор, Юпка пўчоқ, Қора данак, Гулгази.	
4	Норкушаков Неъмат	Жиззах	Фориш	Уршули	Олма	Симиренко, Голден Делюшес, Беш юлдуз, Кримсон, Қизил олма и Майский ранний.	+998933020217
					Ёнғоқ	Оқ магиз, Шакл Н-3, Қизил магиз.	
5	Ибрагимов Ахмадхон	Наманган	Турақўрган	Оқ тош	Узум	Тойфи пушти, Хусайни оқ, Сохиби, Нимранг.	+998692511518
6	Худояров Қодиржон	Наманган	Чартоқ	Пешқўрган	Олма	Наманган олма.	+998337876874
7	Ёқубов Суяндик	Сурхондарё	Шеробод	Кампиртепа	Анор	Қизил анор, Казак анор, Кай-аччик анор, Аччик дона, Оқ дона, Ульфи.	+998762435255
8	Ўтаев Комил	Сурхондарё	Термиз	Сабзипоя	Ўрик	Кандак, Курсадик, Жавзаки, Оқ-ўрик, Гуллонги лочак.	+998937292797
9	Пулатов Низомжон	Сурхондарё	Узун	Файзобод	Хандон писта	Хандон пистанинг ёввойи формалари.	
10	Қурбанов Жалил	Сурхондарё	Сариосиё	Дашнобод	Анор	Қизил анор, Қўк анор, Туя-тиш, Шахрисабз.	+998905684528
11	Хасанова Гулчехра	Самарканд	Нуробод	Сарайқурган	Хандон писта	Орзу и Горная жемчужина.	+998902126183
12	Шодиева Санамой	Самарканд	Тайлак	Олмазор	Нок	Кузги нашвати, Куляла, Зухра, Раъно, Туена, Шакар мурут, Кади мурут, Дилафруз, Тош мурут.	+998906037929
13	Рахимов Ашрафхон	Самарканд	Ургут	Гус	Узум	Сохибрии, Туя-тиш, Кишмиш кора, Кишмиш оқ, Ботир, Вассарга.	+998669100626 +998669374690
14	Султонов Худойберган	Тошкент	Бўстонлик	Сиджак	Олма	Сиверси олманинг ёввойи шакл	
15	Зулимов Нукунбек	Тошкент	Бўстонлик	Сиджак	Ёнғоқ	Ёнғоқнинг ёввойи формалари.	
16	Шодиев Абдулла	Тошкент	Паркент	Заркент	Олма	Ренет Семиренко, Дилешес, Қирмизи.	+998909046888
					Узум	Паркент гули, Қора кишмиш.	
					Бодом	Аччик бодом.	
17	Маткаримова Санобар	Фарғона	Кува	Богистон	Ўрик	Субхани, Исфарак.	+998733345615
18	Зокиров Махкам	Фарғона	Кува	Мустақиллик	Анор	Қизил анор, Кай аччик анор, Оқ дона, Аччик дона.	+998733366650
19	Абдурахманов Абдулла	Фарғона	Риштон	Мехнатобод	Бодом	Алтарык, Қора бодом, Оқ магиз, Пластинка.	
20	Бекметов Қадамбой	Хоразм	Хонка	Сарипоён	Ўрик	Нукул, Ёгли ўрик, Майский йиррик, Октябрьский, Кандак.	+998934663490
					Олма	Карвак, Хазараспский, Қишки олма, Ёзги олма, Қизил олма, Шойи олма, Руҳи жони.	
21	Разиқов Уроқ	Кашкадарё	Китоб	Тупчак	Узум	Саид Гулями, Сохиби, Султани, Чарас, Чумчук-тили.	+998753630652
22	Қаюмов Сирожиддин	Кашкадарё	Китоб	Офтобруя	Узум	Тойфи пушти, Хусайни оқ, Сохиби, Нимранг, Қора жанжал.	+98753613566